

## ЖАНГОВОР ЧОРЛОВ ВОСИТАЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Маъруф Гафурович Бокиев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети батальон  
командири ўринбосари

### АННОТАЦИЯ

Ҳарбий соҳада кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бироқ ҳозирга қадар жанговор чорлов воситалари тушунчасининг мазмун-моҳияти комплекс равишда тўла тадқиқ этилмаган. Мазкур мақолада ушбу йўналишда амалга оширилган илмий изланишларнинг натижалари баён этилади.

**Калит сўзлар:** жанговор чорлов, ҳарбий чақирув, вербал жанговор чорлов воситалари, акустик жанговор чорлов воситалари, визуал жанговор чорлов воситалари, ҳарбий чолғу асбоблари, “урана” жанри, юқори десибелли акустик қурилмалар.

### ABSTRACT

Although a lot of research has been done in the military field, the concept of combat vehicles has not yet been comprehensively explored. This article describes the results of scientific research conducted in this direction.

**Keywords:** call to battle, military calls, verbal battle calls, acoustic battle calls, visual battle calls, military instruments, uranium genre, high decibel acoustic devices.

### КИРИШ

Жанговор вазиятларда қўлланиладиган ҳарбий усул ва воситалар тадқиқотчилар томонидан кўп бор тадқиқ этилган. Лекин, мазкур мақолада илмий муаммо сифатида кўтарилаётган - жанговор чорлов воситалари масаласи халигача тўлиқ ўрганилмаган тадқиқот объекти ҳисобланади. Бу масалани илмий изланишлар кун тартибига олиб чиқиш жанговор ҳаракатларнинг якуни кўп жиҳатдан ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлигига боғлиқ бўлиб қолаётган бугунги давр учун жуда долзарб аҳамиятга эгадир.

Ҳозирда хориж ва мамлакатимиздаги илмий адабиётларда жанговор чорлов тушунчасининг комплекс таҳлилига оид маълумотлар кам учрайди. Мавжудлари ҳам мазкур масалага дахлдор яхлид фундаментал илмий изланишлар асосида қўлга киритилган хулосалар эмас.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё халқлари кўплаб ҳарбий маршлар, миллий ватанпарварлик қўшиқларига эга бўлган,

бирок афсуски бу йўналишда тадқиқотлар ҳали кам (деярли йўқ) бўлиб, тарихий маълумотларнинг катта қисми очиқланишини кутиб турибди[16].

Маълумки, жанговор чорлов тушунчаси ҳарбий чақирув тушунчасидан фарқ қилади. Жумладан, ҳарбий чақирув бу – “ҳарбий хизматга чақирув, қонун билан белгиланган, фуқароларни қуролли кучлар сафида ҳарбий мажбуриятларни ўташ учун жалб қилиш” [15] ни назарда тутаяди. Ҳарбий чақирув маъмурий-ҳуқуқий мазмунга эга бўлса, жанговор чорлов эса, эътиқод ва маслакка доир ахлоқий-руҳий ва эмоционал мазмун-моҳият касб этади.

Таъкидлаш керакки, жанговор чорловлар тарихан барча даврлар ва халқларда турлича шакл ва мазмунда ривожланиб келган. Жумладан, жанговор чорловларнинг шакли ва мазмунини шаклланишига ўша халқнинг миллий ҳис-туйғулари, эътиқоди ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тараққиёт даражаси каби омиллар таъсир этган.

Мазкур мақолада юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда жанговор чорлов воситалари бўйича илмий изланиш олиб борган мамлакатимиз, МДҲ ва хориж олимларининг қарашларини таҳлил этамиз.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аждодларимизнинг ҳарбий фаолиятини ўрганилишида тарихчи олим Ф.Ҳасановнинг салмоқли ҳиссаси бор. Тадқиқочи мазкур масаладаги илмий изланишларни катта кўламда, яъни, Турон халқлари ҳарбий санъати йўналишида олиб бориб, туркий халқларнинг ҳарбий соҳасига қўшган ҳиссаларини тадқиқ этган. Муаллиф Туронзамин халқларининг милоддан аввалги 1-минг йилликдан милодий XV асргача, яъни, Амир Темур давригача бўлган вақт оралиғида ҳарбий санъат соҳасида эришган ютуқлари, олиб борган жанглари тафсилоти, қурол-яроғлари, қўшин тузилиши, сиёсий-ҳарбий тизими батафсил таҳлил этган ва қимматли маълумотларни қўлга киритган. Лекин, шунга қарамай тадқиқотчи томонидан жанговор чорлов воситалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган[21].

Мамлакатимиз олимларидан тарих фанлари доктори, профессор А.Замонов[8] Бухоро хонлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарув масаласига доир илмий изланишларида айнан Бухоро хонлигида жанговор чорлов (асосан ҳарбий чолғу) воситаларини таҳлил қилган. Тадқиқотчининг илмий изланишларида гарчи жанговор чорлов тушунчасига умумий таъриф, унинг турлари ва ҳар бир турнинг мазмуни бўйича таҳлил келтирилмаган бўлсада, бирок тадқиқотчи томонидан Бухоро хонлигининг ҳарбий чолғу воситалари, жанг олди ва жанг вақти ҳамда ғалаба жараёнида ҳарбий мусиқачиларнинг фаолияти орқали

жанговор чорловни амалга ошириш жараёни (масалан, Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома” асари каби) бирламчи манбалар орқали очиб берилган.

А.Замоновнинг таъкидлашича, Бухоро хонлигининг ҳарбий фаолиятида жанговор чорлов (ҳарбий чолғу) воситалари фаол қўлланилган. Жумладан, “жангнинг бошланиши, бирор ҳарбий қисмнинг жангга кириши ёхуд қўшиннинг жангдан чақириб олиниши каби вазифалар ноғорачи, карнайчи ва сурнайчилар ижросида амалга оширилган” [8].

Мазкур масалага яқин йўналишда тадқиқотчи Б.Турсунов ҳам илмий тадқиқот олиб борган [17]. У ўз тадқиқотида “Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача)”ни ўрганган.

Юқорида тилга олинган олим А.Замонов Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарувни таҳлил этган бўлса, Б.Турсунов Қўқон хонлигининг худди шундай жиҳатларини ўрганган. Таъкидлаш керакки, ҳарбий иш ва қўшин ҳолатига жанговор чорлов воситаларининг таъсири катта экани маълум бўлсада Б.Турсунов томонидан мазкур масала батафсил ўрганилмаган. Унинг изланишларида асосан Қўқон хонлиги қўшинлари томонидан жангга кириш вақтида қўлланилган такбир – “Аллоҳу Акбар” жанговор ҳайқириғи ҳамда жанг аввалида чалинадиган акустик воситалар – ҳарбий чолғу асбобларига қисман тўхталиб ўтилган.

Тадқиқотчи Б.Турсуновнинг илмий изланишларида ҳам жанговор чорлов воситалари тушунчасига илмий таъриф берилмаган.

Яна бир тадқиқотчи Ю.А.Шукуруллаев ўз тадқиқотида Бухоро амирлигининг ҳарбий фаолиятини тадқиқ қилган [19]. Тадқиқотчининг илмий изланишлари юқоридаги олимлардан фарқли ўлароқ Бухоро амирлигидаги қўшин ва ҳарбий иш таҳлиliga бағишланган. Мазкур тадқиқот ишида ҳам жанговор чорлов (унда ҳам асосан ҳарбий чолғу) воситалари қисман таҳлил қилиб ўтилган. Жумладан, Бухоро амирлиги даврида аввалги даврлардан фарқли ўлароқ жанговор чорлов (тадқиқот ишида келтирилишича, ҳарбий чолғу) воситаларининг “овози” нисбатан пастлаган. Тадқиқотчи бундай вазият сабабларини ўша даврда амирликда юзага келган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий турғунлик билан боғлаган.

Тадқиқот ишида гарчи жанговор чорлов тушунчасига батафсил тўхталмаган ва илмий таъриф берилмаган бўлсада, бироқ яна бир ўзига хос воқеилик илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бу воқеилик миллий ҳарбий тарихимизда жанговор чорлов воситаларининг Ғарб таъсирида ўзгариши билан боғлиқ

бўлиб, бу жараён айнан XIX аср охирида Бухоро амирлигида юз берган. Жумладан, биринчи бўлиб Фарб стандартидаги акустик жанговор чорлов воситалари, яъни ҳарбий оркестр айнан Бухоро амирлиги қўшинида ўз фаолиятини бошлаган.

Мазкур тадқиқот ишининг мазмуни орқали, жанговор чорлов воситаларининг фаол ёки нофаоллиги, миллий руҳда бўлиши ёки бўлмаслиги мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятига бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу соҳаларда муаммо юзага келган тақдирда жанговор чорлов воситалари миллий ҳис-туғусидан бутунлай узоқ бўлган бошқа шакл ва мазмундаги воситалар билан ўрин алмашишини англаш мумкин.

Тадқиқотчи З.С.Сафарова ўз тадқиқотида иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон мусиқа санъатига янги анъаналар (симфония, опера, мусиқали драма ва б.) нинг кириб келишига оид трансформацион ҳолатларни очиб берган[14].

Мазкур тадқиқот иши хулосаларидан иккинчи жаҳон уруши нафақат халқимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётини айна вақтда мусиқа санъати жумладан, жанговор чорлов воситаларининг бир тури ҳисобланган – ҳарбий чолғу воситаларини ўзгаришига ҳам катта таъсир этган бўлиб, мазкур ўзгаришлар XIX аср охирида бошланган бўлсада, унинг тугал якуни иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келганини англаш мумкин.

Мана шундай мазмундаги тадқиқот ишларини С.Р.Самаров, Ҳ.Дадабоев, Ҳ.Ёдгоров, Ў.Мавлонов, Н.Нурдинова ва М.Собиров каби олимларнинг илмий изланишларида ҳам кўриш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, мамлакатимиз олимларининг илмий изланишларида жанговор чорлов воситаларининг асосан бир тури – ҳарбий чолғу воситалари ўрганилган. Шунинг учун ҳам бугунги кунгача мазкур соҳадаги тадқиқот ишарида жанговор чорловнинг вербал, акустик, визуал ҳамда аралаш воситалари масаласида комплекс илмий тадқиқотлар учрамайди. Мавжудлари эса, юқорида таъкидланганидек, жанговор чорловнинг маълум бир турига бағишланиб, мазкур масалани комплекс ҳолатда англашимизга имкон бермайди.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудидаги олимларнинг илмий тадқиқотларида ҳам жанговор чорлов воситаларининг у ёки бу жиҳатлари ўрганилган. Жумладан, рус олими М.Г.Рабинович жанговор чорлов воситалари масаласига комплекс ёндашмаган бўлсада, бироқ унинг бир тури ҳисобланган жанговар ҳайқириклар



бўйича чуқур илмий изланиш олиб борган. Тадқиқотчи ўзининг илмий изланишлари натижасида жанговор ҳайқирикни уч гуруҳ[12]га: биринчиси, тотем ёки диний-маданий ҳамда қабилавий, иккинчиси, муқаддас жой (тепалик ёки тоғ), учинчиси, аجدодлар, яъни вафот этган номдор аجدодлар (руҳи)га ёки ҳозирда тирик шахс (масалан, раҳбар)га таалуқли турларга ажратган.

М.Г.Рабинович жанговор ҳайқириққа оид классификацияси ўзига хос ёндашув бўлиб, илмий изланиш натижасида қўлга киритилган хулосалар асосида унинг турлари бўйича келтирилган ёндашувга қўшилиш мумкин.

МДХда амалга оширилган тадқиқотларда ҳарбий соҳанинг муайян аниқ ҳудуд ва даврга оид илмий изланишлари кўп учрайди. Жумладан, тарих фанлари доктори Л.А.Бобров ўз изланишларида Марказий, Ўрта ва Шарқий Осиё халқларининг муқаддас қуролларини ривожланиш эволюциясини тадқиқ этган[1, 2]. Тадқиқотчи томонидан Марказий, Ўрта ва Шарқий Осиё халқларининг ҳарбий қуролларини тадқиқ этилиши баробарида, мазкур халқлар томонидан ҳарбий ҳаракатларда қўлланилган жанговор чорлов (вербал, акустик ва визуал) воситаларни икки турга, яъни жанговор ва муқаддас воситаларига бўлган. Л.А.Бобров томонидан жанговор чорлов воситаларини икки турга ажратилиши ўзига хос ёндашув бўлсада, бироқ унинг илмий изланишларида ҳам мазкур воситаларига берилган илмий таъриф етишмайди.

Тожики олими С.С.Хосейниширазининг ҳарбий соҳага доир илмий изланишлари диққатга сазавор бўлиб, унда XVI асрда Мовварауннаҳр ҳамда Эрон ўртасидаги ҳарбий-сиёсий муносабатлар[20] таҳлил этилади. Тадқиқот ишида жанговор ҳаракатларда жанговор чорлов ва ҳайқириқлардан ҳам кўра, ҳарбий дипломатия муҳим экани, жанговор чорловнинг асоси эмоция-иррационаллик, ҳарбий дипломатиянинг асоси рационаллик эканлиги таъкидланади. С.С.Хосейнишираз ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар рационалликка асослансагина яқин натижа ғалаба билан тугалланиши бўйича илмий хулосалар беради.

Таъкидлаш керакки, МДХ олимлари томонидан ҳам жанговор чорлов воситаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бу жараён фалсафа, тарих, филология, сиёсатшунослик, психология каби фанлар нуқтаи назаридан амалга оширилган. Жумладан, рус олимаси филология фанлари доктори Т.Г.Басангова жанговор чорловларни маросим шеърятининг қадимий жанрларидан бири “урана” жанри сифатида таҳлил қилган[3, 4]. Тадқиқотчи ўз изланишларида жанговор чорлов масаласига ҳарбий мазмундан кўра шеърятнинг алоҳида бир жанри сифатида қарган ҳамда ўз қарашларини туркий халқлар, жумладан қалмиқ халқининг маросимлари орқали асослашга ҳаракат қилган.

А.А.Волоковых тарих фанлари номзодлиги бўйича олиб борган тадқиқот ишида хронологик доираси 1941-йил 22-июндан 1944-йил сентябргача бўлган даврда олиб борилган партизанлик урушида қўлланилган жанговор чорловларни қисман таҳлил этган[5]. Тадқиқотчи ўз тадқиқот ишида партизанларнинг жанговор чорловлари очиқ фронтдаги жанговор чорловлардан қисман фарқ қилиши, жумладан, бунга стихияли шаклланадиган (миллий ва диний мансублиги ҳамда ҳарбий кўникмаси турлича бўлган) субъектлар, жанговор ҳаракатларда “пистирма” усулининг устиворлиги каби омиллар таъсир этишини илмий жиҳатдан асослаб берган.

М.В.Медведев томонидан шахсий ҳамда архив материаллари асосида яратилган «Боевой клич» в тылу врага» асарида бевосита жанговор ҳаракатларда фаол иштирок этган «Боевой клич» партизан отрядининг фаолияти таҳлил этилган. Тадқиқотчи томонидан мазкур партизан отрядининг 1941 йилдан 1944 йилгача душманнинг орқа томонидан зарба беришдаги 32 та жанговор партизанлик фаолияти ҳамда манашу натижаларга ундаган рухий-жанговор омиллар ўрганилган[10].

А.А.Волоковых ҳам М.В.Медведев ҳам ўз изланишларида жанговор чорлов, жанговор чақирик ҳамда жанговор ҳайқирик тушунчаларини қўллаган бўлсада, бироқ, улар томонидан мазкур тушунчаларга илмий таъриф берилмаган.

Рус олими Л.М.Рязановский ўзининг илмий изланишларида нацистлар Германиясида мавжуд бўлган ижтимоий ҳамда жанговор шиор ва чақириқларни таҳлил этган. Тадқиқотчи нацистларнинг жанговор ва ижтимоий чақириқлари *биринчи навбатда*, христиан динига таалуқли иборалар ёки тўғридан-тўғри Инжилдан олганлиги, *иккинчидан*, ишчиларни ижтимоий ва ҳарбий фаолиятга жалб қилиш учун социализм ва ишчи ҳаракати шиорларидан фойдалангани (нацистлар ҳокимиятга келгач бу мазмундаги шиор ва чақириқлардан воз кечилгани), *учинчидан* эса, мазкур чақириқлар учун энг асосий манба Гитлернинг китоб ва нутқлари бўлганини таъкидлайди. Мазкур уч асосдан олинган шиор ва чақириқлар ўз навбатида ўша даврининг тарғибот воситалари: афишалар, оммавий ахборот воситалари, мактаб таълими ҳамда куй-қўшиқлар орқали тарғиб этилган[13].

Л.М.Рязановский гарчи жанговор чақириқлар масаласига чуқур кириб бориб, нацистлар Германиясининг ижтимоий ва жанговор чақириқларининг манбалари ҳамда тарғиб этиш воситаларигача таҳлил этган бўлсада, бироқ у ҳам юқоридаги тадқиқотчилар қатори жанговор чорловнинг бошқа турлари масаласига тўхталмаган.

Жанговор чорлов масаласи МДХ олимлари тадқиқотларида ҳам худди мамлакатимиз олимлари тадқиқотлари каби яхлид тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган, аксинча, унинг алоҳида қисмлари муайян тарихий давр ва вазиятга боғланган ҳолда таҳлил этилган.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мавзу бўйича хорижда олиб борилган илмий изланишлар ўрганилганда аввало АҚШлик тадқиқотчи Джеймс Макферсоннинг илмий изланишлари таҳлиliga тўхталиш лозим. Тадқиқотчи айнан 1861 йилдан 1865 йилгача АҚШда жанубий ва шимолий штатлар ўртасида бўлиб ўтган фуқоролар урушини тарихий хужжатлар асосида ўрганган[11]. Мазкур изланишларида муаллиф томонидан бир халқ ўртасида бўлаётган урушда, яъни фуқаролик урушида қўлланилган жанговор чорловлар ҳам таҳлил этилган бўлиб, уларнинг турли хилда эканлиги, бунинг асосий сабаби американинг кўп миллатли маданияти, жануб худудида асосан испан, шимолда эса англо-сакс маданиятининг устуворлик касб этганлигига эътибор қаратган.

Тадқиқотчининг мазкур хулосаларига асосан жанговор чорловлар бевосита миллатнинг келиб чиқиши ва маданиятининг хосиласи эканлигини англаш мумкин.

Яна бир АҚШлик тадқиқотчи А.Дарвин ҳам 1861-1865 йиллардаги Америка фуқаролар урушида қўлланилган жанговор чақириқларни тадқиқ этади. Унинг изланишларига кўра мазкур урушда икки хил жанговор чақириқлар қўлланилган. Жумладан, АҚШда фуқаролар уруши бошланганида мамлакатнинг диний раҳбарлари Конфедерация ва Иттифоқ кучлари учун энг яхши ғоявий ғимоячи ва урушга қўшин ёллашдаги асосий тарғиботчи куч бўлган. Тадқиқотчининг нуқтаи назарига кўра, мазкур расмий диний раҳбарларнинг чақириқлари урушга оид жанговор чақириқ бўлса, ўша даврда ибтидоий насронийликка асосланувчи, эркин ташкил этилган “Масихнинг шогирдлари” диний ҳаракатининг урушга қарши чақириғи иккинчи жанговор чақириқ эди[18].

А.Дарвиннинг тадқиқоти орқали жанговор чорлов воситалари тарихида “тинчликка оид жанговор чақириқ”лар ҳам мавжуд бўлганини англаш мумкин.

Француз тадқиқотчиси Денис Беатрис[6] ўз изланишларида расом ва Наполеон армиясининг ҳарбий хизматчиси Луи-Франсуа Лежеун (1775-1848)нинг жанговар расмларини тадқиқ этади. Илмий изланишлари давомида тадқиқотчи томонидан ўзига хос, яъни “жанговор расмлар ҳам жанговор чорловнинг бир тури” эканига оид илмий хулосалар берилади.



Дарҳақиқат, жанговор чорлов воситалари вербал, акустик ва визуал бўлиши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур ўринда Денис Беатрисни фикрига қўшилиш мумкин.

Мазкур масалада хориж олимларидан Зайнаб Алсадат ҳам салмоқли изланишлар олиб борган. Жумладан, у XIX аср охири ва XX аср бошларида Усмонлилар, Қажарлар (Эронда) ва Британия империялари ўртасидаги зиддият ва ҳарбий ҳаракатларни таҳлил қилган. Мазкур тадқиқот ишида гарчи жанговор чорлов воситалари алоҳида объект сифатида ўтганилмаган бўлсада, бироқ унда ўз даврида уч империя томонидан вербал, акустик ва визуал шаклларда қўлланилган жанговор чорлов воситаларини билиб олиш мумкин[9].

Француз тадқиқотчиси Жулиетте Волклер тарихий жанговор чорлов воситаларидан бири бўлган акустик қурилмаларнинг ҳозирги кундаги ривожланиш даражасини тадқиқ қилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бугунги кунгача дунёнинг кўплаб йирик давлатлари, жумладан, АҚШ, Германия ва собиқ Совет Иттифоқи акустик қурулларни ишлаб чиқишга интилишган. Аралаш натижаларга қарамай, бундай иш кўплаб технологияларнинг ривожланишига олиб келган. Масалан, ҳозирда кўплаб давлатлар ҳарбий тизимида Узоқ масофали акустик қурилма (Long-Range Acoustic Device - LRAD)ни мавжудлиги, 2009 йилда Питсбург полицияси томонидан G20 намоёнчиларига қарши овозли тўпни қўлланилгани, Афғонистон ва Ироқда бўлган жангларда АҚШ ҳарбийлари томонидан ҳарбий автомобилларга мустаҳкамланган катта динамиклар ёрдамида рақибларига нисбатан психологик операция ҳамда асирларни сўроқ қилиш жараёнида “яхшилланган сўроқ” усули сифатида АС/DC, Эминем ва Металлика кўшиқларини “портлатишган”ни маълум.

Жулиетте Волклернинг таъкидлашича[7], бугунги кунга келиб, акустик воситалар жанговор чорлов воситалари доирасидан чиқиб, юқори десибелли, “ўлдирмайдиган” товушли қурол даражасига етган ҳолда Ғазо секторидан Уолл-стритгача бўлган йирик сиёсий ва ҳарбий ҳаракатларда душманни йўқ қилувчи ҳамда Гуантанамо ва бошқа жойларда оламонни қийноққа солувчи воситага айланган.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қиладиган бўлсак, хориж ва мамлакатимизда амалга оширилган тадқиқот ишларининг таҳлили куни кўрсатадики, уларнинг барчасида ягона ўхшашлик мавжуд. У ҳам бўлса, ушбу тадқиқот ишларда жанговор чорлов воситаларига комплекс ёндашув ҳамда



мазкур тушунчага илмий таъриф бериш вазифалари амалга оширилмаган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жанговор чакириқ ёки жанговор ҳайкирик тушунчалари бўйича илмий таърифлар мавжуд. Бироқ, ҳозиргача илмий истемолда вербал, акустик ва визуал шаклларда жангга чорлов воситаларини умумий маъносини англаувчи илмий таъриф мавжуд эмас.

Илмий истемолдаги мазкур бўшлиқни тўлдириш мақсадида, мазкур мақоланинг якуний натижаси сифатида жанговор чорлов тушунчасига муаллифлик таърифи беришни лозим топдик. Демак, бизнингча, *жанговор чорлов воситалари* – бу жанговор вазиятларда ҳарбий хизматчиларнинг миллий, диний ва бошқа туйғуларни уйғотиш, ишонч ва иродасини мустаҳкамлаш, душманга нисбатан нафрат ва таҳдидини намойиш қилиш ҳамда ўзаро ахборот алмашишини таъминлашга қаратилган вербал, акустик ва визуал воситалар мажмуаси ҳисобланади.

Муаллифлик таърифимиз умумий характерга эга бўлиб, унга кўра жанговор чорлов воситалари инсонни жанг учун руҳий-эмоционал қўзғалишга мажбур қиладиган барча (вербал, акустик ва визуал) шакл ва мазмундаги воситаларни ўз ичига олади.

Мазкур мақола хулосалари асосида, жанговор чорлов воситалари масаласи мамлакатимиз, МДХ ва хориж олимлари тадқиқотларида умумий тадқиқотнинг кичик бир қисми сифатида қаралиб келинганини англаш мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда эса мазкур масалага комплекс ёндашиш гоёси илгари сурилмоқда.

## REFERENCES

1. Бобров Л.А. Защитное вооружение кочевников Центральной Азии XV – первой половины XVIII вв.: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. – Барнаул: НГУ, 2005. – 24 с. б.4.
2. Бобров Л.А. Основные направления эволюции комплексов защитного вооружения народов Центральной, Средней и континентальной Восточной Азии второй половины XIV-XIX вв.: Автореф. дисс. д-ра. ист. наук. – Барнаул: НГУ, 2011. – 54.
3. Басангова Т.Г. Жанр уранов в фольклорной традиции калмыков. // «Новые исследования Тувы» электронный информационный журнал. Тува. 2013 год № 4. С. 95-101.
4. Басангова Т.Г. Прозвищный фольклор калмыков // Проблемы этногенеза и этнической культуры тюрко-монгольских народов. Элиста: КалмГУ, 2007. С. 113-124.
5. Волоковых А.А. Объективный фактор в организации и развитии партизанского движения на Северо-Западе Российской Федерации в годы Великой Отечественной войны. Автореферат диссертации на

- соискание ученой степени кандидата исторических наук: – Санкт-Петербург: 2002.
6. Denis, Béatrice. “Le bivouac d’Austerlitz selon Louis-François Lejeune: les guerres napoléoniennes entre construction identitaire et construction historique”. 2020. <https://papyrus.bib.umontreal.ca/xmlui/handle/1866/25087>
7. Juliette Volcler. *Extremely Loud Sound as a Weapon*. New Press. 2015.- P. 496.
8. Замонов А. Бухоро хонлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарув. – Т.: “Bayoz”, 2018. – 91-б.
9. Zeinab Alsadat Azarbadegan. “Bloodless Battles: Contested Sovereignty between the Ottomans, the Qajars, and the British in Ottoman Iraq (1831-1908)”. Thesis, 2021. <https://academiccommons.columbia.edu/doi/10.7916/d8-8ewg-b183>.
10. Медведев М.В. «Боевой клич» в тылу врага. Петрозаводск: Карелия, 1987. - 153 с.
11. McPherson, James M. (2003) [1988]. *Battle Cry of Freedom: The Civil War Era*. Oxford University Press. ISBN 978-0-19-503863-7.
12. Рабинович М. Г. Боевые кличи – «ураны» // История археологии и этнографии Средней Азии. М., 1968. С. 299–307.
13. Рязановский, Л.М. Лозунги и девизы третьего рейха и их использование в нацистской пропаганде. // Проблемы истории, филологии, культуры. 3 (2016), - С. 128–133.
14. Сафарова З.С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: 2019. - 24-б.
15. Самаров Р.С. Ҳарбий атамаларнинг янги изохли луғати. Т.: “Инновация-Зиё”, 2020.374-б.
16. Собиров М. Урушда куйланган, тақикланган ва воз кечилган гимнлар. Жаҳон ва Ўзбекистон мадҳиялари тарихи. <http://forum.oyina.uz/kiril/article/2310> (мурожаат қилинган сана: 27.11.2023).
17. Турсунов Б.Я. Қўкон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, аънаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача): Тарих фан. номзоди. дисс. – Т.: ЎЗР ФА Тарих институти, 2006. – 147-б.
18. Tuck, Darin A. “The battle cry of peace: the leadership of the disciples of Christ movement during the American Civil War, 1861-1865”. Thesis, Manhattan, Kan.: Kansas State University, 2010. <http://hdl.handle.net/2097/4218>
19. Шуқуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш: Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2006. – 28-б.
20. Хосейниширази С.С. Военно-политические отношения Мавераннахра и Ирана в XVI в.: дисс. д-ра. ист. наук. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. С.Айни, 2014. – с. 255.
21. Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2018. – 440-б.